# 26 декабр — Сайловлар куни

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2004-yil, 24-dekabr, 51 (640)-son Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

***♦Матбуотда "С.У.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.***

*♦"Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, шунингдек, "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари матбуотда эълон қилинди.*

***♦2004 йилнинг 9 — 17 декабр кунлари Халқаро валюта фондининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси Жон Вейкман-Линн раҳбарлигидаги миссияси Ўзбекистон Республикасида бўлди.***

***Миссия аъзолари ташриф давомида давлат бошқарув органлари вакиллари билан жорий йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини муҳокама этди ҳамда 2005 йил ва яқин истиқболдаги иқтисодий прогнозлар кўрсаткичларини таҳлил қилди.***

*♦Самарқанд шаҳрида "Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманнинг очилишида сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз хотираларини ёд этиш, маънавий меросимизни қайта тиклаш йўлидаги ишлар дунё афкор оммаси томонидан юксак баҳоланаётганини алоҳида таъкидладилар.*

***♦Ўзбек Миллий академик драма театрида "Энг яхши Меҳрибонлик уйи" ҳамда "Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси" мавзуидаги кўрик-танловларнинг республика босқичи якунланди.***

***"Энг яхши Меҳрибонлик уйи" танлови бўйича биринчи ўринга Қўқон шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи лойиқ деб топилди. Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номли Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Ҳилола Астонова эса "Меҳрибонлик уйининг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танлови бўйича биринчи ўринни эгаллади.***

# Муносиб номзодларга овоз берайлик

***Икки кундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар ўтказилади. Ушбу кун, яъни 26 декабр муҳим сиёсий сана сифатида мамлакатимиз тарихи зарварақларидан ўрин олади. Шу куни республикамизнинг 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси мустақил ва эркин равишда ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши ҳамда рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг энг муносибларига овоз бериши мумкин.***

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва унинг қарори билан тузиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларидаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўтган вақт мобайнида сиёсий партиялар ҳамда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган вакиллар тегишли сайлов округ ва участкаларида сайловолди жараёнларида бевосита иштирок этдилар.

**(Давоми 2-бетда.)**

# Комиссия мажлиси

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Аҳборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, комиссия раиси А.АРИПОВ бошқарди.***

**Комиссия аъзолари** телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Йиғилишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингини давом эттириш ва такомиллаштириш, унинг натижаларини комиссиянинг ҳар бир йиғилишида тақдим этиш зарурлиги таъкидланди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида маълумот берди. Теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ва қамров ҳудудини кенгайтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов кампанияси давомида теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар студияларининг хавфсизлигини таъминлашга оид масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***ЎзА***

TANLOV

***Меҳр ва мурувват йили доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси томонидан ўтказилаётган "Энг саховатли оила" кўрик-танловининг якуний — республика босқичи ушбу ҳафта ўз ниҳоясига етди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан йўлланмани қўлга киритган ўн бир оила иштирок этди.***



# Энг саховатли оила

**Танловни** Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов кириш сўзи билан очди ва барчага муваффақиятлар тилади.

Тадбир низомига кўра, иштирокчилар улар ҳақида тақдим этилган тавсифномаларга асосан Агентлик ишчи комиссияси томонидан олти шарт бўйича баҳоланди. Пойтахтда ўтган сўнгги босқичда иштирокчи оилалар томонидан саховат, меҳр-оқибат мавзуларида тайёрлаб келинган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Бу борада, айниқса, Бухоро, Наманган, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятлари вакилларининг саҳна кўринишлари барчада илиқ таассурот қолдирди. Чиқишлар шоира Зулфия Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳри Бекжонова ва ҳакамлар ҳайъатининг бошқа аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Танлов якунига кўра, учинчи ўринга 37 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб келаётган, "ЎЗИ-Жиззах" филиалининг муҳандиси Олимжон Бойматов оиласи, иккинчи ўринга эса "Наманган Телеком" филиали Норин телекоммуникциялар боғламаси вакили Матлубахон Сайдалиева оиласи лойиқ деб топилди.

Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган Муяссар Усмонова оиласи йилнинг "Энг саховатли оила"-си номига сазовор бўлди. Муяссар опа — Қарши шаҳридаги 7-матбуот дўкони сотувчиси. Ўн етти йилдан буён шу дўкон ишларини юритиб келяпти. У киши қарамоғидаги уч фарзандини ҳам ўзи каби эл хизматига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялаш борасида жамоасида барчага намуна бўлмоқда. Умуман, Қашқадарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ жамоасида турли тадбирларни ўтказиш одат тусини олган.

Шунингдек, сўнгги шартга пухта тайёргарлик кўрган бухоролик Маҳмуд Жалиловлар оиласи "Энг яхши саҳна кўриниши" учун тақдирланган бўлса, хоразмлик Собиржон Жуманиёзовлар оиласи "Энг хушчақчақ оила" дея эътироф этилди.

Тадбир ниҳоясида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлди. Кўрик-танловда иштирок этган барча оилаларга ва уларнинг фарзандларига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Аъзам Избосаров мукофотлар ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

***Собит АҲАДОВ***

# АКЦИЯДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

***"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компания низоми ва эмиссияси таркибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари кўриб чиқилди.***

**Йиғилишни** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши раиси А.АРИПОВ очди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ компанияни хусусийлаштиришга доир қўшимча чоралар қабул қилинди, акциялар тўпламини жойлаштиришнинг янги тартиби тасдиқланди. Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши компаниянинг низоми ва эмиссияси таркибига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлади. Энди "Ўзбектелеком" АКнинг низом жамғармаси 30802967 минг сўмни ташкил этади. Давлат улуши — 45 фоиз, юридик ва жисмоний шахслар пакети — 6 фоиз, қолган 49 фоиз хорижий инвестор учун ажратилади.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгашининг янги таркиби ҳамда танлов асосида белгиланган компания аудитори кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

***Ўз мухбиримиз***

# Муносиб номзодларга овоз берайлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Улар сайловчилар билан учрашиб, турли йўналишларда мулоқотлар ўтказишди. Оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Номзодларнинг дастурлари ва режалари матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Радио ва телевидение орқали маърузалар қилиниб, давра суҳбатлари уюштирилди.

Сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг эфирга чиқиш жадвали тасдиқланиб, унга биноан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг телевидение ва радио сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари ниҳоясига етказилди.

Республикамиз ҳудудида тузилган барча сайлов округ ва участкаларида сайловларни кўтаринки руҳда ўтказиш, депутатликка номзодларнинг ҳаққоний ва адолатли тарзда сайловчилар овозига эга бўлишлари ва сиёсий майдонда очиқчасига курашишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатимиз тарихида сайловларнинг бу йил биринчи марта янгича услубда ўтказилиши жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юқори босқичларга қадам қўйилаётганлигидан далолат беради.

Хўш, сайлов жараёнининг ўзи қай тарзда ўтади?

Ҳар бир сайловчи кимга овоз беришини ўзи мустақил ҳал қилади. Овоз бериш сайлов участкаларидаги махсус ажратилган биноларда яширин тарзда ўтказилади. Бу бинолардаги олдиндан тайёрланган кабина ёки хоналарда фуқароларга сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилади ва сайлов қутилари қўйилади.

Овоз бериш сайлов куни эрталаб соат $6^{00}$ дан кеч соат $20^{00}$ гача ўтказилади. Овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади.

Овоз беришга келган сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, гувоҳнома)ни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига шахсан имзо қўяди.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

**Ҳар бир фуқаро сайловчи сифатида кимга овоз беришини ўзи мустақил ҳал қилади.**

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан ташқари бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши ёки аралашиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра бирор холис сайловчини, ўз оила аъзоларидан ёки бир жойда истиқомат қилувчи фуқаролардан бирини ёхуд маҳалла, гузар оқсоқоллар кенгаши аъзосини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловчи кимни ёқлаб овоз берса, ўша депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасидаги бўш катакчага + тарзда белги қўяди. Қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг фамилияси рўпарасига эса ҳеч қандай белги қўймайди. Биттадан ортиқ бўш катакчага белги қўйилган ёки умуман белги қўйилмаган сайлов варақаси ҳақиқий эмас, деб топилади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Барча сайлов бюллетенларида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши шарт.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олдиндан талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини хатжилдга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин.

Соғлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш участкасига кела олмаган сайловчилар илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси ўзининг аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Бир сўз билан айтганда, барча фуқароларнинг конституциявий кафолатланган сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун жойларда ташкил этилган округ ҳамда участка сайлов комиссиялари томонидан зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда янгича тамойилларда ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчидир. Ўйлаймизки, ҳар бир сайлов ҳуқуқига эга бўлган мамлакатимиз фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига, иқтисодий ислоҳотларни ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда қонун устуворлиги тамойилида иш юритиб, жамиятимизнинг равнақи ва келажаги учун курашадиган, эл-юрт ва халқ манфаатлари йўлида ўзини ҳам аямайдиган фидоий инсонларнинг депутатликка сайланишлари учун овоз беради.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги акциядорлик компаниялари ва жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари ҳам сайловларда фаол иштирок этиб, ўзларининг фуқаролик бурчини шараф билан бажаришларига ва рўйхатга олинган депутатликка номзодлардан энг муносибларига овоз беришларига ишончимиз комилдир.

*Бердиёр ЖАББОРОВ,*
*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош юридик маслаҳатчиси*

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Агентлик (Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги)нинг 50 йиллиги ва Тошкент телеминорасининг 20 йиллиги юбилейларига бағишланган эсдалик эмблемаларни яратиш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

*Танлов шартлари:*

1. Эмблемалар алоқа соҳасининг тарихи, бугуни ва келажаги ифодасини, Агентлик эмблемаси 50 (1955—2005), телеминораники эса 20 (1985—2005) саналарини ўз ичига олган бўлиши лозим.

2. Соҳанинг кўп қиррали йўналишлари (телекоммуникация, почта, радиотелевидение ва бошқалар) инобатга олиниши керак.

**Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:**
*Биринчи мукофот — ҳар бир эмблема учун* **100000 сўмдан.**
*Рағбатлантирувчи мукофотлар —* **50000 сўмдан.**

***Танловда хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.***

*Лойиҳаларни 2005 йил, 13 январгача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига юборишингизни сўраймиз.*
*Мавзу моҳиятини акс эттирган энг сара лойиҳалар соҳа мутахассисларидан иборат ҳайъат томонидан танлаб олинади ва ташкилий қўмита тасдиғига киритилади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, $28^{а}$-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 138-41-07, 138-41-72.**

### "Хабар" газетасига 2005 йил учун расмийлаштирилаётган обуна бўйича МАЪЛУМОТ*

| Вилоятлар ва Тошкент шаҳри | Саналар | | | 01.01.04 йилга нисбатан % ҳисобида |
|---|---|---|---|---|
| | 10.12.04 йил ҳолатига | 20.12.04 йил ҳолатига | Ўн кунликдаги ўсиш | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1337 | 1365 | 48 | **133** |
| Андижон | 955 | 1007 | 52 | **97** |
| Бухоро | 510 | 520 | 10 | **116** |
| Жиззах | 196 | 196 | 0 | **130** |
| Қашқадарё | 861 | 865 | 4 | **85** |
| Навоий | 559 | 569 | 10 | **86** |
| Наманган | 451 | 479 | 28 | **110** |
| Самарқанд | 882 | 882 | 0 | **136** |
| Сурхондарё | 566 | 601 | 35 | **93** |
| Сирдарё | 195 | 237 | 42 | **100** |
| Тошкент вил. | 220 | 306 | 86 | **142** |
| Фарғона | 1326 | 1388 | 62 | **143** |
| Хоразм | 248 | 265 | 17 | **67** |
| Тошкент шаҳри | 77 | 147 | 70 | **67** |
| **ЖАМИ** | **8383** | **8827** | **444** | **109** |

**Маълумот "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан тақдим этилган.*

**TATU HAYOTIDAN**

## Давра суҳбати

***Тошкент ахборот технологиялари университетида навбатдаги "Маънавият куни" ўтказилди.***

**Гуруҳ мураббийлари** "Конституция ва унинг моҳияти", "Икки палатали парламентга сайловлар" каби мавзуларда талабалар билан суҳбат ўтказишди. Республика "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари М.Мираҳмедова ва Қ.Аҳмедовалар "Оила", "Оиланинг ижтимоий-психологик ҳолати", "Оила қуришга тайёргарлик" каби қизиқарли мавзуларда суҳбатлар уюштиришди.

Бундан ташқари, шу куни талабалар ўртасида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Табиатни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир" мавзусида беллашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, "Сайлов — 2004" мультимедиаси ва гиёҳвандликка бағишланган "Ўлим сўқмоғи. Огоҳликка даъват" филми намойиш этилди.

Университетнинг "Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти" кафедраси профессор-ўқитувчилари талабалар уйида истиқомат қилувчилар билан икки палатали парламентга сайловлар юзасидан давра суҳбати ташкил этишди.

## Илмий-амалий анжуман

***Тошкент ахборот технологиялари университетида "Олима аёлларнинг илм-фан тараққиётида тутган ўрни" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

**Анжуман** республика хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Давлат тест маркази, "Оила" аёллар уюшмаси ташаббуси билан ўтказиладиган "Ўзбекистон фан-техника тараққиётида олима аёлларнинг роли" республика илмий-амалий форуми негизида университет миқёсида уюштирилди. Унда Олий Мажлиснинг Фан, техника, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова, Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Ёқутхон Ражабова, шоира Фарида Афрўз, республика "Оила" илмий-амалий маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Муҳаммаджон Раҳимов ҳамда ушбу марказ ходими, ҳуқуқшунос Жамшид Шаропов, республика "Маънавият ва маърифат" маркази ходими Нигора Турсуновалар иштирок этишди.

"Аёл бир қўли билан бешикни тебратади, бир қўли билан дунёни", дея бежиз айтилмаган. Аёл — она, аёл — мураббий, аёл — устоз ҳам. Бугун у кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Жумладан, илм-фан ва техника тараққиёти ривожида аёлларнинг ўрни беқиёс.

Конференцияни ўтказишдан мақсад университетда аёллар учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, олима аёллар ва ёш олималар учун етарли имкониятлар яратиб бериш, уларнинг фаолиятини жонлантириш ва бу ишларни амалга оширишдаги камчиликларни бартараф этишдир.

*Эъзозахон КАРИМОВА,*
*ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бошқармаси бошлиғи*

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# Сайловга тайёргарликнинг мониторинги

*Жорий йилнинг 26 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловларни юқори савияда ўтказиш, сайлов участкалари ҳамда сайлов округларини сифатли ва узлуксиз алоқа хизмати билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа корхоналари раҳбарлари, етакчи муҳандислари ва ходимлари иштирок этди.*

**Йиғилишдан олдин** ҳудудий бошқарма мутахассислари ва вилоят ДАИ ходимлари билан биргаликда "Сирдарё Телеком" филиалининг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида сайлов участкаларини телефонлаштириш, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида ҳар куни текшириш учун тутилган дафтарнинг мавжудлиги, радиоалоқа билан таъминланган сайлов участкаларидаги радиотелефонларнинг ишлаши, бир ойга тузилган навбатчилик рўйхати ва ушбу рўйхатнинг "07", "08", "09" хизмат бюроларида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, шунингдек, сайлов участкаларини матбуот нашрлари билан таъминлаш масалалари бўйича мониторинг ўтказилган эди.

Мониторинг давомида филиалнинг Гулистон, Янгиер, Ширин, Мирзаобод, Гулистон, Сайхунобод, Ховос, Боёвут сингари шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларидаги сайлов участкаларига қўйилган радиоэлектрон воситаларининг ишлаши етарли даражада эмаслиги аниқланди. Масалан, Гулистон тумани 98-сайлов участкасидаги 62-043 рақамли телефон ишламаган. Бунинг сабаби ўрганилганда ТПП-10х2 тарқатувчи кабел ишдан чиққанлиги маълум бўлди. Шу куни кабел таъмирланиб, телефон ишлатилди. Боёвут туманидаги учта сайлов участкасида ўрнатилган радиоалоқа телефонларининг ҳам ишламаётганлиги аниқланди ҳамда ушбу муаммони ҳал этиш чоралари кўрилди.

Сайхунобод туманида олтита сайлов участкасидаги телефон рақамлари ўзгартирилгани туфайли рўйхатга ўзгартириш киритилди, шунингдек, иккита сайлов участкасида радиоэлектрон воситалар ўрнатилмагани аниқланиб, ушбу масала ечими Сирдарё вилояти ЭММХ мутахассисларига юклатилди ва радиоэлектрон воситалар ўрнатилиб ишга туширилди.

Бундан ташқари, Гулистон РТС ва "Алоқа-АК" ХТИЧК биноларининг хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда ушбу корхоналарда хизмат қилаётган ходимларнинг вазифалари қандай белгиланганлиги, асосий телекоммуникация жиҳозларини электр манбаидан ўчириш ҳолатлари, ходимларнинг парол билан ишлаш йўриқномаси мавжудлиги кабилар ҳам ўрганилди. Натижада юқоридаги биноларни қўриқлаш масалаларига алоҳида эътибор берилганлиги, фавқулодда ҳолатларда ходимларнинг ҳаракатлари, шунингдек, электр манбаини ўчириб қўйиш чизмаси мавжудлиги, Гулистон шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими билан шартнома тузилиб навбатчилик ташкил этилганлиги аниқланди.

Йиғилишда вилоят алоқа соҳаси корхоналари раҳбарларига, шаҳар, туман телекоммуникациялар боғламалари ва почта филиали раҳбарларига алоқа бинолари ҳамда жиҳозларини, линиялар хавфсизлиги ва узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўриш, ташкил қилинган навбатчилик рўйхатидаги мутахассислар ва сайлов участкаларига бириктирилган электромонтёрларнинг жавобгарлигини ошириш вазифаси юклатилди.

26 декабр куни бўладиган сайловларни Сирдарё вилояти алоқачилари юқори савияда ўтказади. Улар сайловда хизмат кўрсатадиган барча алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

***Амангелди ХУДОЙБЕРДИЕВ,***
***Сирдарё вилояти ДАИ бошлиғи***

ALOQA KORXONALARIDA

*"XALQARO POCHTAMT" филиали янги йилга яна бир янгилик билан келмоқда. Аввало шуни айтиш жоизки, кейинги 2-3 йилдан буён мазкур филиал почта жўнатмаларига ишлов беришнинг жаҳон талаблари даражасига етказиш бўйича "Химатек" тажриба-конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқмоқда. Шу йилнинг июл ойида қайд қилинадиган хат-хабарларни ўтказишнинг автоматлаштирилган мониторинг тизими (АМТ) лойиҳаси амалиётга татбиқ этилган эди. Ўшанда "XALQARO POCHTAMT" келаётган ва жўнатилаётган хат-хабарларга ўз штрих кодларини қўйишни бошлаганди. Эндиликда "Почта жўнатмаларига ишлов беришда назорат тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш" лойиҳасини амалга оширишга киришилди.*



# Янги технология асосида



**Ҳозирда** МДҲ ва республикамиз ҳудуди бўйича юборилаётган ва келаётган хат-хабарлардаги штрих кодлар сканер ёрдамида "ўқилиб" сараланяпти ҳамда ҳужжатлаштирилмоқда. Сўнгра ўз манзилига жўнатилмоқда. Олдин бу хил юмушлар тўлиқ қўлда қилиниб, кўп вақт сарфланарди. Янги лойиҳа туфайли мазкур ишлар компютерларда бажарилмоқда. Бунинг учун Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) Васийлик Кенгашининг ривожланаётган мамлакатларда хизмат сифатини яхшилаш бўйича жамғармаси — FAQS томонидан ажратилган маблағга 13та компютер, термопринтер, лазерли сканерлар харид қилинди.

Шу ўринда FAQS ҳақида тўхталиб ўтсак. Ушбу жамғарма 1999 йили БПИнинг Пекин конгрессида тузилиб, унга раҳбарлик қилиш Васийлик Кенгашига топширилган эди. Ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатларнинг почта хизмати сифатини яхшилаш учун FAQSга маълум миқдорда маблағ ўтказади. Ривожланаётган давлатларнинг почта маъмуриятлари жамғармадан зарур маблағ олиш учун ишлаб чиқариш сифатини оширишга доир ўз лойиҳаларини тақдим этади. Васийлик Кенгаши лойиҳани чуқур ўрганиб, у ҳар томонлама асосланган тақдирдагина тегишли маблағ бериши мумкин.

"XALQARO POCHTAMT" ҳам ўз лойиҳасини Швейцариянинг Берн шаҳридаги ана шу Кенгашга юборган эди. Шу йилнинг 30 январида Васийлик Кенгаши ўз йиғилишида ушбу лойиҳани кўриб чиқиб, маъқуллади ва уни амалга ошириш учун 18000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ажратди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарининг буйруғига кўра, Агентликнинг почта технологиялари ва хизматлари бўлими бошлиғи Тамара Бажанова лойиҳанинг Миллий координатори, "XALQARO POCHTAMT" филиали директори Қуролбой Тўлебоев эса лойиҳа раҳбари этиб тайинланишди.

— Янги лойиҳа бўйича хат-хабарларга ишлов бериш, саралаш ва ҳужжатлаштириш иш жараёнини тезлаштиради, — дейди Қуролбой Тўлебоев. — У келгусида биз кўрсатаётган хизматларни жаҳон почта алоқасига интеграциялашувига кўмак беради. Шунингдек, янги технология иш сифатини яхшилаб, почта жўнатмалари ўтиши назоратини кучайтиради, ишлов беришдаги хатоликлар сонини камайтиради.

Янгиликни жорий этишда корхонанинг ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Галина Демина, сифат хизмати бошлиғининг ўринбосари Ботир Худойберганов, хат-хабарларни саралаш цехи бошлиғи Елена Башева, муҳандис Азим Абдулазизовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Юқорида филиал хат-хабарларга ўз штрих код ёрлиқларини қўяётганини тилга олган эдик. Штрих код ишни осонлаштириши билан бирга вақтни тежашга ҳам катта имконият яратади. Штрих кодлаш фақат почтамт ичида амалга ошириляпти. Агар вилоятлар ҳамда туманлар почта корхоналарида ҳам почта жўнатмаларига штрих кодлар қўйилса, иш унумдорлиги янада ошиб, хат-хабарлар ўз эгаларига анча тез етказилишига эришиларди. Мутахассисларнинг айтишича, кўплаб ривожланган давлатларда почта индекслари бешта рақамдан иборат экан. Бизда ҳам бешта рақамли почта индекслари жорий қилинса ва бу штрих кодларда ўз аксини топса халқаро почта талабларига мос тушган бўлур эди...

"XALQARO POCHTAMT"да йўлга қўйилаётган янгиликнинг заминида замонавий технологиялар ёрдамида ходимлар меҳнатини енгиллатиш, улар учун қулай иш шароитлари яратиш ва хизмат сифатини ошириш турибди. Инсон манфаатларига хизмат қиладиган янгиликларнинг келажаги порлоқ бўлиши эса шубҳасиздир.

***Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ***

NISHONDORLARIMIZ

# Саодатманд онлар севинчи

**— Ҳалима опа, суюнчи беринг...**

Тожимуҳаммаднинг қўлида "Халқ сўзи"ни кўрган Ҳалимахон ҳаммасига тушунди. Демак, Бувиҳожирани мукофотлашибди. Газетани қўлга олиб шошилиб кўз югуртирди: "Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати, соҳани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун..."

Қандай соз! Бу хушхабарни тезроқ унга етказиш керак. Улар бир муддат нима қилишларини билмай туришди. Бувиҳожира қариндошиникига тўйга кетганига ярим соат ҳам бўлмаганди. Орқасидан йўлга тушишди. Йўлда устозлари — Бувайда тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи Аҳмаджон Қурбоновни ҳам олволишди. Тўйхонада Ёқубжон рафиқасининг ҳамкасбларини тавозе билан кутиб олиб, ичкарига таклиф этди.



— Медал муборак, Ёқубжон!

— Табриклаймиз.

— Оши қачон бўлади?

Олдинига у табриклардан бир оз ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг тушуниб, юзида табассум пайдо бўлди. Ичкаридан чиққан Бувиҳожирага қутловлар ёғилди. У минг хижолатда: "Раҳмат. Мукофот менинггина эмас, балки ҳаммамизнинг меҳнатимизга берилган баҳодир", — деди юзлари лоларанг тусга кириб. Бу унинг ҳаётидаги энг саодатманд онлар эди, албатта. Севинчига шерик бўлган Бегимой аянинг ҳам кўзларидан ёш қалқди.

— Аллоҳга минг қатла шукур, меҳнат қила-қила қадр кўрмагандик, сизлар кўринглар, қийналганларинг изсиз кетмабди. Уни тақдир сенга раво кўрибдими, шукур қилгин, болам. Сочингдан қаролик, кўзингдан нур, қадамларингдан шиддат кетмай туриб шу унвонга эришганинг рост бўлсин.

Кейин хурсандчилик тўйхонадан уйларига кўчди. Оила шодон дамлар оғушида қолди. Турмуш ўртоғи Ёқубжон дурадгор, болаларнинг тўнғичи Манзурахон чевар, Азизжон билан Озодахон коллеж ўқувчилари. Икки нафар невараллари бор. Ишхонасига ҳам Агентликдан табрик телеграммаси келди. Бувайда тумани ҳокимлиги, "Фарғона Телеком" филиали раҳбарияти, дўст-дугоналаридан табриклар ёғилиб, хонаси гулдасталарга тўлиб кетди. Ўша кунларда Бувиҳожира бот-бот устози Ҳожархон Габидулинани эслади. "Операторлик — нозик иш. Асабларинг мустаҳкам, лутфи-забонинг ширин, туриш-турмушинг чиройли бўлсин", дегувчи эди мураббияси.

Устозининг пухта иш тарзини мукаммал ўрганган, аяжонисининг ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик борасидаги панд-насиҳатларига қатъий риоя этган Бувиҳожира мукофот оламан деб ҳеч ўйламаган эди.

— Мукофот уни ўзи излаб келди, — дейди боғлама бош ҳисобчиси Ҳалимахон Раҳмонова. – Қодиржон, Зоҳиджон, Бурҳонжон, Зулхумор каби зийрак ёшлар ундан мижозларга сабр-тоқат билан муносабатда бўлишнигина эмас, қувончу ташвишли кунларда ўзини йўқотмасликни ҳам ўрганишмоқда.

"Шуҳрат" медали соҳибаси — "Фарғона Телеком" филиалининг Бувайда телекоммуникациялар боғламаси оператори Бувиҳожира Эргашева иш фаолиятига диққат қилсангиз, барча ҳикмат ҳар кунги ишни қойилмақом қилиб адо этишда эканлигини кўрасиз.

***Ҳафиза САЛЯҲОВА,***
***жамоатчи мухбиримиз***

# Нуроталик алоқачилар ҳузурида

*Нуротани Аллоҳнинг назари тушган юрт дейишади. Бу кўҳна диёрда бир бора бўлган киши уни қўмсаб яшайди. Мусаффо ҳавоси, юксак тоғларию жаннатмонанд боғлари, ўйноқи булоқларию ям-яшил ўтлоқлари бетакрорлиги билан ажралиб туради. Халқимизнинг бой тарихи ва маданиятидан ҳикоя қилувчи бебаҳо обидалари эса нафақат мамлакатимиз, балки дунё сайёҳларини ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Лекин Нуротанинг энг асосий бойлиги юксак тоғлари сингари мағрур, бепоён яйловлари каби кенгфеъл, меҳнатсевар, ориятли, дилкаш ва дилбар одамларидир. Улар чексиз меҳру муҳаббат билан бу муборак заминни янада гўзал этиш, бойлигига бойлик қўшиш, шуҳратини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти ва яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Яқинда Нуротага хизмат сафаримиз давомида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.*

## Саодатнинг саодатли йўли

"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Навоий филиали, Нурота тумани почта алоқаси тармоғи вилоятдаги энг намунали корхоналардан ҳисобланади. Бунда корхона раҳбари Саодат Омонованинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. У киши ёшлигидан яхши инсонларга эргашиб, уларнинг маслаҳатлари билан алоқачилик касбини танлаб кам бўлмаганлигини тан олади ва устозларидан бир умрга миннатдорлигини яширмайди.

— 1973 йили ўрта мактабни тугаллаб, олий ўқув юртига кириш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаш ташвишида юргандим, — дея ҳикоя қилади С.Омонова. — Ўшанда туман алоқа боғламаси раҳбари Раҳмонқул ака Назаров учраб қолди. У киши мақсадимни билгач, катта ишга шошилмаслигимни, Тошкентда алоқачи-муҳандислар тайёрлайдиган институт борлигини, алоқа соҳасида бирор йил ишлагач, шу институтга кирсам ўзимга яхши бўлишини маслаҳат берди. Айни пайтда билимли ва ғайратли ёшлар туман алоқа корхонаси учун жуда зарурлигини, насиб этса, корхона келажаги биз каби ёшларнинг қўлида эканлигини таъкидлаганди...

Шундай бўлди ҳам. Қимматли маслаҳатлардан тўғри хулоса чиқарган Саодат алоқа боғламасига телефончи бўлиб ишга кирди. Бир йил ўтгач Тошкент электротехника алоқа институтининг тайёрлов бўлимига қабул қилинди. 1975 йили эса талабалик бахтига муяссар бўлди. 1980 йили институтни битириб қайтган ёш мутахассисни қадрдон корхонасига муҳандис сифатида ишга қабул қилишди. У ўзининг билимлилиги ва ишчанлиги, самимийлигию масъулиятлилиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Шу боис ҳам бир йилдан сўнг уни бошлиқ ўринбосари лавозимига муносиб кўришди. У ўн бир йил мобайнида бу масъулиятли вазифада сидқидилдан ишлади. Туманда алоқа соҳаси ривожига қўлидан келганича ҳисса қўшиш ҳаракатида бўлди. 1992 йилга келиб электралоқаси ва почта хизмати йўналишлари алоҳида корхоналар сифатида фаолият кўрсата бошлаганида туман почта тизими раҳбари этиб тайинланди.

Мана, ўн уч йилдирки, у туман почта ходимлари олдида турган масъулиятли вазифаларнинг кўнгилдагидек бажарилишига бош-қош бўлиб келяпти. Туман почта хизмати соҳаси моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратяпти. 1994 йилгача почтани тарқатишда ижарага олинган автотранспортлардан фойдаланилган эди, ўша йили "УАЗ" русумли автомашина сотиб олинди. 1998 йилда эса корхона "Тико"лик бўлди. Иш юритишда компютер, электрон почта ва телефакс хизматидан фойдаланиляпти. Айни пайтда тумандаги 22та алоқа бўлимларида 50 нафарга яқин ходим 80 минг кишига почта хизмати кўрсатмоқда.

Туман ҳудудининг асосий қисми тоғ ва чўллардан иборат. Қишлоқ алоқа бўлимлари бир-биридан 10 км.дан 30-40 км.гача олисда жойлашган. "Сентоб" ва "Сувлиқ" алоқа бўлимлари билан туман маркази ўртасидаги масофа 130 километр эканлиги қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу сабабли туман маркази ва унга туташ хўжаликлардаги алоқа бўлимларида почта алмашуви ҳафтасига 5 марта, қолган бўлимларда эса 3 марта амалга оширилмоқда.

— Яна бир муаммо эса туман почта тизими маъмурияти ҳамда марказий алоқа бўлимининг ўтган асрнинг 30-йилларида қурилган, мослаштирилган бинода жойлашганлигидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу ерга нафақат нуроталиклар, узоқ-яқиндан, ҳатто хориждан келган меҳмонлар ҳам тез-тез кириб туришини ҳисобга оладиган бўлсак, туманда почта учун алоҳида бино ажратиш даври етганлиги аён бўлади.

Саодат Омонова бу муаммоларнинг вақтинчалик эканлигига, тез орада ечимини топишига ишонади. Чунки, соҳанинг вилоятдаги раҳбарлари ҳамда туман ҳокимлиги почта хизматини замон талаблари даражасида ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш устида жиддий бош қотираётганликларини яхши билади.

Халқимизда "Хоҳлаган имконият, хоҳламаган баҳона қидиради", деган нақл бор. Нуроталик алоқачилар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш мақсадида мавжуд имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишяпти. Кейинги йилларда "Кўкдала" алоқа бўлими учун янги бино қурилди. "Темирқовуқ", "Гум", "Янгиобод", "Янгибино", "Нурота-1" бўлимлари тубдан таъмирланди. Маъмурий бино ва шаҳар ҳудудидаги учта алоқа бўлими газлаштирилди.

Туманда почта тизими ходимларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. "Самари", "Ғозғон", "Сувлиқ" алоқа бўлимлари бошлиқлари Убайдулло Хўжамов, Алибой Омонуллаев ва Зафар Қурбоновлар ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа коллежида таҳсил олишди. Аҳтам Раҳмонов 1992 йили мактабни тугаллагач почтачи сифатида иш бошлаганди. Тез орада кичик оператор бўлди, почта кузатувчиси, алоқа бўлими бошлиғи, йўриқчи вазифаларида ишлади ва алоқа коллежида сиртдан ўқиди. Айни пайтда эса туман алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Уларнинг барчаси Саодат Омоновани ўзларига устоз деб билишади. Умуман олганда, бугунги кунда туман почта ходимларидан Адолат Худойқулова ҳамда Мамарасул Жияновлар олий, 16 нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Шунингдек, бу ерда 25-30 йиллик иш стажига эга бўлган малакали, тажрибали алоқачилар кўпчиликни ташкил қилади. Зойир Ўсаров, Ўсар Аҳмедов, Норсулув Ўроқова, Ашурбой Бобо防ражабов, Абдулла Бозоровлар шулар жумласидандир.

Ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам кун тартибидаги бош масала сифатида қараб келинмоқда. Ойлик иш ҳақлари ўз вақтида бериб боріляпти. Почтачиларга ноанъанавий хизмат кўрсатишдан олинган фойданинг бир фоизини мукофот тарзида бериш жорий этилган. Меҳнат таътилига чиққан ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, тўй-маракаларда уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш одат тусига кирган.

Туман почта бўлимининг ойлик даромади ўрта ҳисобда 4 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жумладан, октябр ойида 4,3 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди. Шундан 2,7 млн. сўм пенсия тарқатишдан, қолган қисми эса ноанъанавий хизмат турларидан олинди.

Сафаримиз обуна мавсуми қизғин тус олган даврга тўғри келганлиги боис бу муҳим кампаниянинг бориши билан қизиқдик.

— Ўтган йилнинг шу даврида 9,5 млн. сўмлик 1692 нусхадаги матбуот нашрларига обуна расмийлаштиргандик, — деди Саодат опа. — Бу йил эса ушбу кўрсаткич 20,8 млн. сўмга тўғри келяпти ёки муштарийларни 2654 нусхадаги газета-журналларга обуна қилдик.

Саодат Омонова алоқа соҳасидаги ҳалол ва масъулиятли меҳнати туфайли ўз жамоаси ва Навоий почта филиалида, қолаверса, қадрдон Нуротасида иззат-ҳурмат, обрў-эътибор топди, эл-юртга танилди. У нафақат тажрибали мутахассис, моҳир ташкилотчи, талабчан ва адолатли раҳбар, балки бахтли оиланинг бекаси ҳамдир. Умр йўлдоши Наим Ҳакимов билан ўзлари сингари самимий, эл-юрт, ватан хизматига камарбаста, оқил фарзандларни тарбиялаб вояга етказишяпти. Тўнғичлари Абдурасул шу йил Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллаб, мазкур олий ўқув юртида меҳнат фаолиятини бошлади. Сетора Навоий давлат педагогика институтининг тарих-ҳуқуқшунослик факултетида таҳсил оляпти. Сарвиноз Тошкент алоқа коллежи талабаси. Кенжатой Равшанбек ўрта мактабнинг 9-синфида аъло баҳоларга ўқимоқда.

Сўнгсўз ўрнида қаҳрамонимизга ҳаёт ва меҳнат фаолиятингизнинг саодатли йўлларида доимо ҳозиргидек бардам ва бахтиёрлик Сизни тарк этмасин, дегимиз келади.



## Туман телекоммуникацияси янги босқичда

Яқин-яқинларгача телекоммуникация соҳасидаги муаммолар нуроталикларни ҳам, улар билан боғланувчиларни ҳам ташвишга солиб келарди. Туман ҳудудини "катта ер"дан ажратиб турувчи тоғ тизмалари алоқачилар учун қўшимча муаммолар туғдирмасдан қолмас эди.

— Эндиликда бундай муаммолар ортда қолди, — дейди биз билан суҳбатда "Навоий Телеком" филиалининг Нурота телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Аҳмад Боқиев. — Бунга бутун вилоятимизда бўлгани сингари бизнинг туманда ҳам халқаро "JBIC" лойиҳаси бўйича кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларининг амалга оширилганлиги туфайли эришилди. Лойиҳа бўйича ўтган йилнинг апрел ойида бошланган ишлар жорий йилнинг февралида ниҳоясига етказилди. Ана шу давр мобайнида мураккаб тоғ ва чўл шароитларида 86 км. масофада зовурлар қазилиб, оптик-толали кабелларни ётқизиш ва улаш ишлари бажарилди. 17та кабел қудуғи қазилди. Дебаланд қўрғонида 164 нуқтали электрон автомат-телефон станцияси монтаж қилинди. Жами 450 нуқтага эга бўлган Дебаланд, Чуя, Қизилча, Темирқовуқ қишлоқ АТСлари фаолияти ҳам такомиллаштирилиб, шаҳарлараро алоқа тизимига уланиш имкониятлари кенгайтирилди.

— Энг замонавий алоқа технологиялари жорий этилиши боис мижозларга хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб бормоқда, — дейди боғлама бош муҳандиси Эркин Назаров. — Айни пайтда уларнинг сони 12тага етказилди. Шунинг учун ҳам мижозларимиз сони ортяпти. Шу йилнинг етти ойи ичида Нуротада яна 200дан ортиқ, Ғозғонда эса 100га яқин телефон аппарати ўрнатилди. Булар ўз навбатида даромадларнинг ўсишига олиб келяпти. Жумладан, 2004 йилнинг август ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 млн. сўм кўп даромад олинди.

Айни пайтда туман телекоммуникациялар боғламаси ишчи-хизматчиларининг бутун диққат-эътибори алоқа тизимининг сифатли ва барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган ҳамда бунга эришилмоқда ҳам. Аниқланган носозликлар вақтида бартараф этилаётганлиги айниқса қўл келяпти. Қишлоқ АТСларини ўзаро боғловчи алоқа кабелларининг сифатли ишлашини таъминлашда Ҳаёбой Солиев бошчилигидаги таъмирлаш бригадасининг фаолияти таҳсинга лойиқдир. Умуман олганда, боғламанинг барча йўналишларида ўз ишининг устаси бўлган ходимлар масъулият билан меҳнат қилишяпти. Навбатчи-техник Матлуба Ҳақбердиева, электромонтёрлардан Нурмамат Кўрдошев, Тўйқул Ортиқов, Зокир Қурбонов, Жамол Пўлатов, Ҳожи Файзиев, кабел пайвандловчи Абдумажид Комилов, шаҳарлараро сўзлашув маскани ходимларидан Зебо Шаропова, Гулчеҳра Худойбердиева, Дилором Эргашевалар шулар жумласидандир.

Боғлама раҳбарияти ходимларнинг малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор беряпти. Ҳозирги кунда икки нафар ходим ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа коллежида корхона ҳисобидан ўқияпти.

Туманда амалга оширилган ва оширилаётган ишларни замонавий телефон алоқаси соҳасида режалаштирилган кенг кўламдаги тадбирларнинг дастлабки босқичи дейиш мумкин.

Ҳадемай туманнинг энг олис қишлоқларида яшовчилар ўзлари учун қулай бўлган "Ўзбектелеком Мобайл" компанияси хизматидан фойдалана бошлашади. Бундан ташқари, Нуротага мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган уяли телефон алоқа компаниялари хизмати ҳам кириб келяпти. Туман телекоммуникациялар боғламаси жамоаси бу борадаги ўзларига боғлиқ барча ишларни жадал суръатларда амалга оширишяпти.

***Олим ХЎЖАЕВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

Агата КРИСТИ

# Иштар ибодатхонасидаги




(Охири. Аввали газетанинг 48, 49 ва 50-сонларида.)

**Ҳикоячи** бир зум тўхтади ва орага жимлик чўкди.

- Нима ҳам дейиш мумкин? - сукунатни бузди Жойс Ламприер. - Кўриниб турибдики, юракни сескантирувчи ғайритабиий воқеа. Доктор Пендер, содир бўлган воқеа хусусида ўзингизнинг мулоҳазаларингиз борми?

- Ҳа, - бошини қимирлатди руҳоний, - бироқ менинг мушоҳадаларим барча нарсага ҳам ойдинлик киритолмаса керак.

- Мен кўп марта спиритик сеансларда бўлганман, - деди Жойс. - У ерда шундай ғаройиб ҳодисалар рўй берадики, асти қўяверасиз. Балки бу сеҳр-жодудир. Ўша аёл ўзини ростакамига маъбуда Астарта деб ҳис қилган бўлиши мумкин. Маннеринг хоним унинг қўлида кўрган ханжарни у ирғитгани ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

- Балки бу ўқдир? - тахмин қилди Рэймонд Уэст. - Бундан ташқари, билишимча, ўша тун унчалик ойдин бўлмаган. Ким билади, балки унинг қўлида бошқа бир қурол бўлгандир? Мен оммавий гипнозни назарда тутяпман. Ўйлашимча, ўшанда ҳар бир киши қандайдир ҳалокат рўй беришини ич-ичидан сезган.

- Циркда қуроллар ва пичоқ билан турли мўъжизалар кўрсатишганига кўп маротаба гувоҳ бўлганман, - деди жаноб Генри. - Менимча, дарахтлар орасида биров яширинган ва нишонни мўлжаллаб, пичоқ ёки ханжарни отган. Тушуниб турибман, бу сизга ғайритабиийдек туюлиши мумкин, аммо бу ягона тўғри тахминдир. Бир эсланг-а, жабрланган иккинчи кишига дарахтлар панасидан кимдир пойлаётгандек туюлганди. Лекин Маннеринг хонимнинг айтишича, мисс Эшлининг қўлида ханжар бўлган. Судда эса далиллар бошқалар томонидан инкор этилади, бу эса мени ҳайратлантирди. Тажрибаларимга таяниб шуни айтишим мумкинки, битта қотиллик ҳақида бешта гувоҳнинг кўрсатмалари шунчалик даражада тафовут қилиши ақл бовар қилмас ҳол.

— Биз барча тахминлар орасида энг муҳим нарсага эътиборсизлик билан қараяпмиз, - деди томоқ қириб жаноб Петерик. - Қурол нима бўлди? Мисс Эшли наҳотки очиқ жойда туриб ўқ узган бўлса, бу ишонарли эмас. Мабодо найза яширинган кимса томонидан санчилган бўлса, унда ўлган одам йиқилганда унинг баданида бўлиши керак эди. Шунинг учун биз ҳар хил тахминий гапларни тўхтатиб, аниқ далилларга мурожаат қилайлик.

- Улар қайсилар?

- Нима бўлгандаям, бир ҳолат аниқ. Ўлаётган одамнинг олдида ҳеч ким бўлмаган. У ўзига-ўзи қурол санчган бўлиши мумкин. Хулоса шуки, Ричард ўзини-ўзи ўлдирган.

- Уни бундай қилишга нима мажбур қилдийкин? - ҳайрон бўлди Рэймонд Уэст.

- Бу масаланинг бошқа бир жиҳати, - деди адвокат йўталиб, - ҳозир мени назария қизиқтирмайди. Илоҳий кучларга эса сира ишонмайман. Агар адашмасам ҳаммаси худди мен айтгандек содир бўлган. Яъни, у йиқила туриб ўзига тиғ санчган ва ханжарни суғуриб олиб дарахтлар панасига ирғитган. Унчалик ишонарли далил эмас-у, лекин шундай бўлгани ҳам эҳтимолдан узоқмас.

- Тўла ишонч билан айтолмайман-у, аммо ҳаётда баъзан ғалати ҳодисалар ҳам рўй бериб туради, - деди мисс Марпл.

- Холажон, сиз Ричарднинг ўлимида figure бировнинг қўли йўқ демоқчисиз, шундайми? - сўради Рэймонд.

- Афсуски йўқ, азизим! - жавоб берди мисс Марпл. - Менимча, бу ерда бир сир бор, бечора Ричард қасддан ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Нега у қоқиниб кетган, ҳозир шуни билгим келяпти. Балки дарахтнинг илдизи сабаб бўлгандир. У аёлдан кўзини узмай унга қараб юрган, шунда оёғи нимагадир илашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

- Сизнингча, жаноб Ричардни ўлдиришнинг ягона йўли бўлган? Сизни тўғри тушундимми, мисс Марпл? - дея руҳоний унга қизиқсиниб қаради.

- Воқеанинг бу ёғи жуда қайғули, шу боис унга тўхталгим келмаяпти. У ўнг қўлидан фойдаланган, шундай эмасми? Мен чап елкани жароҳатлашнинг ягона йўлини назарда тутяпман. Бечора Жек Бейнзга ҳар доим раҳмим келади. Эслайсизми, Аррасдаги қирғинбарот урушдан кейин у ўзини оёғидан отган. Госпиталга борганда оёғини кўрганман. Сўнгра ўзининг бу аҳмоқлигидан узоқ вақт уялиб юрди. Мен шунга аминманки, бадбахт Эллиот Хейдон ўзининг бу даҳшатли жиноятидан кўп фойда кўрмайди.

- Эллиот Хейдон дейсизми? - сўради Раймонд. - Бу ишни у қилганми?

- Ундан бошқа ким ҳам қилиши мумкин, - дея қўл силтади мисс Марпл. - Ўткинчи тахминий гумонларни тўхтатиб, келинг яхшиси жаноб Петерикнинг маслаҳатига қулоқ тутиб далилларга мурожаат қилайлик.

Шундай қилиб, Эллиот биринчи бўлиб амакиваччасининг олдига келди... Фақат угина бошқаларни гавдаси билан тўсган ҳолда ўзига зарур ишни қилиши мумкин эди. Чунки у қароқчилар бошлиғи кийимини кийганди, шунинг учун ҳам унинг белида қандайдир қурол бўлгани табиий...

Меҳмонларнинг нигоҳи доктор Пендерга қаратилди.

- Бор ҳақиқатни, - дея сўзини давом эттирди у, - фожиа содир бўлганидан кейин орадан беш йил ўтгач, барча тафсилотлари билан билиб олдим. Буларнинг барчаси Эллиот Хейдон менга жўнатган хатда битилган эди. У ўз хатида ушбу қотилликда унинг қўли борлигидан гумонсираб юришимни авваллан сезганини, бу мудҳиш қотиллик унинг ўзи учун ҳам кутилмаган воқеа бўлганини таъкидлаганди. Эллиот ҳам Диана Эшлини яхши кўрган, бироқ у бор-йўғи камбағал ҳуқуқшунос эди. Агар Ричард унинг йўлига тўғаноқ бўлмаганида, у насаб ва қўрғон меросхўри бўлиб қолар ва келажаги порлоқ бўлар эди. У амакиваччаси устига эгилганида белидаги ханжар сирғалиб ерга тушган ва у фурсатни бой бермай ханжарни санчишга ва беркитишга улгурган. Шубҳа уйғотмаслик учунми, кейин ўзига ҳам ханжар урибди... У бу хатни Жанубий қутбга экспедицияга жўнаш олдидан, баъзи сабабларга кўра, ортга қайтмаслиги ҳам мумкинлигини назарда тутиб ёзган. Шуниси аниқки, мисс Марпл пайқаганидек, бу жиноят унга ҳеч қандай наф келтирмади. "Беш йилдан бери, - деб ёзади у, - мен руҳий қийноқдаман. Ўйлайманки, гуноҳларимни ўзимнинг муносиб ўлимим билан юваман".

Ҳамма бирдан сукутга кетди.

- Ва у ўз ор-номуси билан ўлди, - деди жаноб Генри. - Сиз бу ҳикоянгизда исм-шарифлар ва жой номини ўзгартирган бўлсангиз ҳам, доктор Пендер, гап ким ҳақида кетаётганлигини дарров пайқадим.

- Юқорида айтиб ўтганимдек, - сўзини давом эттирди кекса руҳоний, - биз барибир воқеанинг тубига етолмадик. Лекин нима бўлгандаям, мен ҳозиргача ўйлайманки, бу бахтсиз ўрмонда бечора Эллиот Хейдонни Астарта маъбудаси йўлдан урган. Ҳар доим шуни эсласам изтиробга тушаман.

**Иззат АҲМЕДОВ таржимаси**

JUMA O'GITLARI



*Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ*

## ТИЛ ОДОБИ

**Тилнинг одоби** қайси, деб сўрасалар, бу уч нарсага тилни очиш ва саккиз нарсадан тилни сақлаш, деб айтгил. Тилни очиш керак бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: ҳожат зарурати юзасидан кўнгилларда яширин бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва марҳумлар имдоди учун сўз айтиш. Чунки бу сўзлар орқали золимнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчи, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончи худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки бўҳтон фосиқлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мунoқашадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуойи бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан.

## ТАМАНИНГ ДОЯСИ — МАНФААТ ҲИРСИ

**Тама билан** таъна сўзлари бир-бирига яқин сўзлардай туюлади. Бунинг сабабини шундай изоҳлаш мумкин: таманинг катта-кичиги бўлмайди. Бировдан бир хас тилаш ёки арзимас манфаатга кўз тикиш ҳам тама. Шуларнинг орқасида таъна ҳам яшириниб ётади. Бир кун бўлмаса, бир кун таъна эҳтимолки, тош бўлиб отилар. Эҳтимолки, найза сифатида кўнгилга санчилар. Юракни ана ўшанда пушаймонлик эзади. Таманинг тескари натижаси доимо — оғули. Ана шу оғудан ҳазар этмоқ керак.

Тама қандай туғилади? Унинг дояси манфаат ҳирси. Нафс рағбати. Очкўзлик. Тама — бойлик, мансаб ва шуҳратга ўч кимсаларнинг ёсуманидир. Уларни тинимсиз аврайди, йўлдан оздиради. Тама қилишни — инсоннинг ўз хоҳиши билан тубанлашуви, ўзи истаб одамийлик ҳиссиётларини таҳқирлаши деб қараш лозим. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Мир Алишер Навоий шундай деган эди:

***Эй Навоий, олам аҳлида тамасиз йўқ киши,***
***Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.***
***Сен агар тарки тама қилсанг, улуғ ишдир буким,***
***Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.***

***Ҳ.ТОЖИМАТОВ тайёрлади***

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси жамоаси "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тунгишбоевга отаси
**Ибрай НУРУМБЕТОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тунгишбоевга отаси
**ИБРАЙ ота**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Навоий Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тунгишбоевга отаси
**ИБРАЙ ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбектелеком" АК жамоаси компания етакчи мутахассиси Алишер Абдураззоқовга отаси
**Алимжон АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси Қашқадарё филиали директори Солиҳ Ҳафизовга онаси
**ҲАМРООЙ ая**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — Ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

261-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.